**Ушбу сонда:**
2 ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАНДА
3 TV– ДАСТУРИ
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 6 ноябр, шанба № 177 (1810)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

**26 декабр: сайловни очиқлик, ошкоралик, демократик руҳда, сайловчиларнинг фаол иштирокида ўтказайлик**



## Ўзбекистон Республикаси Рус маданият марказининг 10 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчиларига

*Муҳтарам ватандошлар!*
*Азиз дўстлар!*

*Рус маданият маркази ташкил этилганлигининг ўн йиллиги муносабати билан самимий табригимни қабул қилгайсиз ҳамда умумий уйимиз бўлмиш саховатли Ўзбекистон заминида тинчлик ва барқарорликни, аҳиллик ва тотувликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш йўлидаги меҳнатингиз, бу олижаноб ишга қўшаётган улкан ҳиссангиз учун сизларга чуқур миннатдорлик билдиришга ижозат этгайсиз.*

*Юртимизда тинчлик ва осойишталикни асраш, кўпмиллатли давлатимизда қарор топган дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш, меҳнаткаш инсонга ҳурмат-эҳтиром, жамиятимизда, миллати ва динидан қатъи назар, ҳамма учун тенг шароит яратиш - бизнинг олий мақсадимиздир. Буларнинг барчаси - демократик янгиланишни, халқимизнинг фаровонлиги, унинг муносиб ҳаёт даражасини, халқаро ҳамжамиятда мамлакатимизнинг юксак нуфузини таъминлашда ҳамиша энг муҳим, ҳал қилувчи шарт бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади, десам, ўйлайманки, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.*

*Мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг маданияти, тили, анъаналари ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ривожлантириш масалаларига давлатимиз томонидан улкан эътибор берилаётгани айнан ана шу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди.*

*Биз Ўзбекистонда миллатлар ўртасида, динлар ва фуқаролараро тотувликни таъминлаш масалаларига доир ҳуқуқий меъёр ва кафолатларнинг Конституциямизда қатъий белгилаб қўйилганини ҳам айнан ана шу шарт-шароит тақозоси сифатида эътироф этамиз.*

*Бу вазифаларни ҳал қилиш борасида амалга ошираётган барча ишларимиз қадимдан турли миллат ва элат вакиллари ёнма-ён яшаб келган Ўзбекистонда асрлар мобайнида шаклланган эзгу анъаналарнинг бугун ҳам изчил ва муносиб давом этаётганидан далолат беради.*

*Буларнинг барчаси, биринчи галда турли маданиятларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва бир-бирини бойитиши ўзининг меҳр-оқибатлилиги, тинчликсевар ва бағрикенглиги, сахийлиги билан ажралиб турувчи халқимиз маънавий бирлигининг асоси, унинг аҳлоқий қадриятлари ва ўзига хос фазилатларини шакллантиришнинг муҳим омилидир.*

*Бугунги кунда мамлакатимизда миллий маданият марказлари томонидан амалга оширилаётган, одамларда эртанги кунга ишонч туйғуларини мустаҳкамлашга, биздан кўра ақлли, билимли, кучли ва албатта бахтли бўладиган янги авлодни тарбиялашга қаратилган кўп қиррали бунёдкорлик ишлари нақадар муҳим ва масъулиятли эканлигини, шубҳасиз, барчамиз яхши англаймиз.*

*Шуни алоҳида мамнуният билан таъкидламоқчиманки, Рус маданият маркази ўзининг самарали фаолияти билан ана шу мураккаб вазифаларни ҳал этишдек хайрли ишга улкан ҳисса қўшмоқда ва юртимизда ҳақли равишда обрў-эътибор қозонмоқда.*

*Қадрли дўстлар, сизларнинг турли миллат ва дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда доимо катта ҳурматга сазовор бўлиб келган рус халқининг ноёб қадимий маданияти, адабиёти ва буюк тили, юксак аҳлоқий ва маънавий қадриятларини жамиятимизда сақлаш ва мустаҳкамлаш борасида амалга ошираётган ишларингиз айниқса таҳсинга сазовордир.*

*Рус маданият маркази фаолияти биз учун яна шуниси билан ҳам аҳамиятлики, у Россия билан дўстлик, ҳар томонлама муваффақиятли ривожланаётган ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида ўзига хос муҳим кўприк вазифасини ўтаб келмоқда.*

*Сиз азизларга мустаҳкам соғлиқ, хонадонларингизга бахту саодат, тинчлик ва фаровонлик, олижаноб ишларингизда янги ютуқлар ёр бўлишини тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

---

АҚШнинг Аризона штатидаги Таксон шаҳрида ҳарбий хизматчилар ўртасида ўтган 48-жаҳон чемпионатида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари терма жамоаси вакиллари юксак натижаларни қўлга киритди.

### ЖАМОАМИЗ БИРИНЧИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги матбуот хизматидан маълум қилишларича, уч олтин, уч кумуш ва яна шунча бронза медални қўлга киритган терма жамоамиз аъзолари йигирмадан ортиқ давлат вакиллари иштирок этган мусобақада биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринлар Италия ҳамда Қозоғистон қуролли кучлари спортчиларига насиб этди.

Боксчилар - Тўлашбой Дониёров, Дилшод Маҳмудов, Шерзод Абдураҳмонов ўз вазн тоифасида олтин медални қўлга киритиб, жаҳон чемпиони бўлди.

Камрон Қосимов, Бекзод Хидиров ва Элшод Расулов шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди.

Улуғбек Бўрибоев, Азизжон Раҳмонов ва Жасур Матжонов эса Ватанимизга бронза медаллари билан қайтишди.

**(ЎзА)**

---

*Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари*

***Бугунги демократик ислоҳотлардан бири сайлов жараёни, сайлов тизимидаги ўзгаришлар, сайлов қонунчилигининг янада такомиллашувидир.***

## СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАРДА САЙЛОВНИНГ ЎРНИ

Ҳар бир давлатда бу жараёнлар эволюцион йўл билан ривожланар экан, бизнинг давлатимизда ҳам сайлов тизимидаги янгиликлар босқичма-босқич такомиллашиб бормоқда. Бугунги кундаги сайлов жараёни аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Ҳатто, ўтган сайловларга нисбатан ҳозирги кун сайловчилари янада фаолроқдир. Шу ўринда қабул қилинган қонунларимиз ривожланган мамлакатлар тажрибасидаги асосий тамойилларни: умумий, тенг, тўғридан тўғри ва яширин овоз бериш сайлов ҳуқуқи тамойилларини ўзида акс эттирган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқароси сайлов ҳуқуқига эга. Сайловчилар рўйхатига сайлов кунига қадар ёки сайлов куни 18 ёшга тўлган ҳамда мазкур Кенгаш ҳудудида рўйхат тузилаётган пайтга қадар муқим ёки вақтинча яшаб турган барча фуқаролар киритилади. Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин. Сайлов кунигача 25 ёшга тўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, сайлов кунигача 21 ёшга тўлган фуқаролар эса ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органларига сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига биноан қонунчилик палатасига ва Сенатга сайланиш ҳуқуқига камида беш йил мамлакатимиз ҳудудида муқим яшаётган ҳамда 25 ёшга тўлган, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига эса - 21 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари эга.

Фақат суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сайлов қонунчилигимизда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бир вақтнинг ўзида ҳокимиятнинг иккитадан ортиқ вакиллик органига депутат бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси бир овоз бериш ҳуқуқига эга; аёллар, эркаклар ҳамда ҳарбий хизматчилар сайлов ҳуқуқларида тенгдир; бу яъни фуқароларнинг улар келиб чиқишидан, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, ирқий ва миллий мансублигидан, маълумотидан, динга муносабатидан, машғулотларининг тури ва мазмунидан қатъий назар сайловда тенг иштирок этадилар. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, сайлов ҳуқуқлари давлат муҳофазасидадир.

Сайлов қонунчилигида сайловларни одиллик билан амалга ошириш учун умумэътироф этилган тамойилларга асосланиш билан бирга, бўладиган сайловлар икки палатали парламентни шакллантиришга қаратилган. Бу жараёнда албатта, оммавий ахборот воситаларининг роли катта аҳамият касб этади. Чунки сайловолди ташвиқотларида сиёсий партиялар, ташаббускор гуруҳлар ўз дастурларини эълон қилишга ҳаракат қилишади, бунда барчага бир хил шарт-шароит ва имкониятлар берилади. Сайловолди ташвиқотини юритишда, оммавий ахборот воситаларида суиистеъмолликка йўл қўйилмайди. Икки палатали парламентга ўтказиладиган сайловларда депутатликка номзодларни кўрсатишда ҳам бирмунча ўзгаришлар мавжуд. Жумладан, янги қонунга кўра, ҳокимият вакиллик органлари парламент ва маҳаллий Кенгашларга депутатликка номзодлар кўрсатмайдилар. Қонунчилик палатасига депутатликка номзодларни - сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари кўрсатсалар, маҳаллий кенгашларга депутатликка номзодларни сиёсий партияларнинг тегишли органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари кўрсатадилар.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасига кўра, фуқаролар гуруҳи депутатликка номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида уч юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин.

Депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг камида саккиз фоизи миқдорида номзодни қўллаган имзоларни тўплаши лозим.

Бундай конституциявий тамойилнинг амалда бўлиши кўппартиявийлик шароитида сайловлардаги рақобатни кучайтиради, сиёсий партияларнинг фаоллигини оширади, шунингдек, фуқароларимиз, яъни сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг сайлов жараёнидаги ҳаракатларининг янада ривожланишига туртки бўлади. Бу эса ўз-ўзидан халқимизнинг сиёсий фаоллигини жамиятда қай даражада юксалганини кўрсатади.

Чунки сайловчилар сиёсий партиялар ва сайловчилар ташббускор гуруҳларининг дастурлари билан танишишга, улардан қай бирини танлаш имкониятига эга бўлишар экан, қайси номзодга овоз бериш кераклигини чуқур ҳис этиб, сайловда иштирок этишлари демократик ва эркин сайлов ҳуқуқи асосий мақсадидир.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасида белгиланганидек, сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида эллик минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш учун сиёсий партия сайловга камида 70 кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига партия раҳбари томонидан имзоланган сайловда қатнашиш тўғрисидаги аризани ҳамда Адлия вазирлигининг тасдиқ ҳужжати ва имзо варақаларини тақдим этади. Шундан сўнг Марказий сайлов комиссияси сиёсий партия вакилига ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана қайд этилган маълумотнома беради ва беш кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тугайди.

Дарҳақиқат, 2004 йил 26 декабр халқимиз ҳаётидаги сиёсий ислоҳотларнинг янги босқичига, яъни икки палатали парламентни шакллантиришга қадам қўйилади.

Бу сайлов жараёни ҳар сафаргидан ҳам ўзгача аҳамият касб этишини ҳаммамиз чуқур англаган ҳолда, муносиб номзодларни сайлашга ҳаракат қилмоғимиз жоиз. Зеро, Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Бу буюк давлатнинг манбаи халқ ҳокимияти экан, сайловларда фаоллик, одиллик билан иштирок этиш, жамиятимизда муҳим аҳамият касб этади.

**Феруза МУҲИДДИНОВА,**
**юридик фанлари номзоди**

---

### МЕҲРИБОНЛИК УЙИ ҲОМИЙЛАРИ

Чирчиқ шаҳрида 150 ўринли Меҳрибонлик уйи қуриб битказилди. Барча шароитга эга янги маскан бугун болажонлар ихтиёрида.

- Меҳрибонлик уйини қуриб битказишда, жиҳозлашда шаҳримизда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар кўмаги катта бўлди. Бугун юзга яқин бола шу ерда яшаб, таълим-тарбия олмоқда,- дейди Меҳрибонлик уйи раҳбарининг муовини Гулнора Абдуллаева. - Муассасамизда болажонлар учун барча шарт-шароит яратилган. Меҳр ва мурувват йилида муҳтарам мурувватли миллатдошларимизнинг кўмагини доимо ҳис этиб турибмиз.

### ҒОЛИБЛАР САРАЛАНДИ

Андижон вилоятидаги умумтаълим ўрта мактабларининг 9-11 синф ўқувчилари ўртасида рус тили билимдонлари танлови ўтказилди. Унда 1-умумтаълим ўрта мактабининг 9 синф ўқувчиси Юля Идунова ғолиб бўлди.

Иккинчи ўрин 2-мактабнинг 11 синф ўқувчиси Александра Кузменкога, учинчи ўрин эса 1-мактабнинг 10 синф ўқувчиси Асия Табеевага насиб этди. Вилоят Рус маданий-маърифий маркази томонидан ташкил этилган танлов ғолиблари жорий йилнинг ноябрида Тошкентда ўтказиладиган республика босқичида қатнашишади. Республика босқичида сараланган совриндор ва ғолиблар рус тили бўйича Москвада ўтказиладиган Жаҳон олимпиадасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишади.

### ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Бухоролик ижодий жамоалар икки давлат маданий ҳамкорлиги доирасида Данияда ижодий сафарда бўлишди. Мазкур сафар Теструпск маданият маркази томонидан ташкил этилди.

Ташриф доирасида улар Дания шаҳарларида "Ўзбекистон: кеча ва бугун" деб номланган фотокўргазма ташкил этишди. Шунингдек, "Гиёҳ" фолклор ансамблининг концерти намойиш этилди.

**ЎзА,**
**"Туркистон-пресс"**

---

## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҚУРУЛТОЙДАН ҚУРУЛТОЙГАЧА



## МЕҲНАТКАШ МАНФААТИНИ ҲИМОЯЛАШ

### фаолиятимиз асосини ташкил этади

Иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш, аҳоли турмуш тарзи ва фаровонлигини янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар самараси ўлароқ вилоятда қатор ижобий ўзгаришларга эришилди. Ялпи саноат маҳсулоти ҳажми 307 миллиард 270 миллион сўмни ташкил этиб, ўтган йилга қараганда 110 фоизга ўсди. Оғир иқлим ва табиий қийинчиликлар шароитида ҳар қарич ерни қадрлаб келаётган тадбиркор деҳқонлар 380 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» хирмони уйдилар.

Юртбошимизнинг вилоят пахтакорларига, барча меҳнаткашларига йўллаган табрикномасидан руҳланган бухороликлар иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш, замонавий фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланиш, хомашё сифатини ошириш, энг муҳими далада ишлаётганларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда салмоқли натижаларга эришдилар. Бу борада касаба уюшмалари вилоят Кенгаши, тармоқ қўмиталари ва бошланғич ташкилотлар КУФК III Қурултойи ва Ҳаракат Дастурида қўйилган вазифалар асосида аниқ йўналишларни белгилаб олишган. Бошқача айтганда, касаба уюшмалари ҳокимият идоралари ва иш берувчилар билан алоқани мустаҳкамлаб, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш самарадорлиги оширишини таъминладилар.

Ижтимоий шерикчилик доирасида вилоят ҳокимлиги, тадбиркорлар палатаси ҳамда касаба уюшмалари Кенгаши ўртасида тузилган битимнинг ижросига жиддий эътибор берилаяпти. Ана шу асосда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, янги иш ўринлари барпо этиш, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш, пенсия, стипендия, нафақаларни вақтида тарқатиш, кўмакка муҳтож оилалар учун имтиёзли уй-жой қуриб бериш, табиий газ ва тоза ичимлик суви таъминотини йўлга қўйиш масалалари ечимини топмоқда. Қисқа муддатда 72 та қишлоқ тоза ичимлик суви, 20 дан ортиғи эса табиий газ билан таъминланди. Бугунги кунда капитал маблағларнинг 61,8 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилган.

Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўзаро мажбуриятлар, меҳнат муносабатларини тартибга солиш масалаларини ўз ичига олган келишувлар ва жамоа шартномаларининг бажарилиши доимий эътиборда. Ҳозирги кунда битта ҳудудий, 29 та тармоқ келишувлари, 7189 та жамоа шартномалари тузилган бўлиб, буларда 34 минг 465 нафар ходимнинг манфаатлари қамраб олинган.

*(Давоми 2-бетда)*



---

*Жиноятга жазо муқаррар*

## НАФС БАЛОСИ

***Кўза кунда эмас, кунида синади. Бу ҳикмат бежизга айтилмаган. Аммо, минг афсуски, ушбу ҳақиқатни унутганлар, яъни кинғир иш бугун бўлмаса, эртага албатта ташвиш келтиришини била туриб баттол нафсига қул бўлган кимсалар ҳам учраб турибди. Республика «Йўловчи» акциядорлик жамияти автомобил суғурта компаниясининг масъул лавозимларида ишлаган бир неча нафар ходимлар ҳам ана шундайлар тоифасидан бўлиб чиқди.***

Одилжон Бозоров чиндан ҳам омади чопган йигит. Акс ҳолда, турли жиноий ҳаракатларни содир этганликда айбланиб, муқаддам бир неча марта судланганига қарамай мазкур компаниянинг Тошкент бўлими директори лавозимини «қўлга киритиш»нинг ўзи бўладими, ахир?! Хуллас, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, О.Бозоров янги иш жойида ҳам аввалги қилиғини бошлади. Ўз мансаб мавқеи, ваколатини суиистеъмол қилган ҳолда корхона омборида сақланаётган автомобил эҳтиёт қисмлари ва бошқа моддий товарларни талон-торож қилишга «бош-қош» бўлди. Бунинг учун компания ва бўлим омбор мудирлари — Бобожон Арабов ҳамда Ислом Рустамовлар билан жиноий тил бириктирди. Аввалига 127 минг сўмлик LG русумли кондиционерни ўғринча олиб чиқиб пуллади. Албатта, қўл остидаги моддий жавобгар шахс, корхона омбори мудири И.Рустамовни ҳам норизо этмади. Мўмай даромаддан маълум қисмини ҳамтовоғига «илинди». Ажабки, ҳеч қандай заҳматсиз, пешона терисиз топилган даромад, киссага кирган жарақ-жарақ пуллар раҳбарнинг тинчини ўғирлади. Унинг ҳатто уйқусидан ором кетди. Ниҳоят, йўлини топди: «Ахир, омборхонада КамАЗ, МАЗ каби автомашиналарнинг қимматли, шу билан бирга ниҳоятда харидоргир эҳтиёт қисмлари бор-ку! Шуларни сотса...». Бу фикр И.Рустамовга ҳам мойдай ёқиб тушди.
Шундай қилиб, эҳтиёт қисмлар бир нечта катта сумкага жойланди-да, икки шоввоз бир бўлиб Андижон шаҳрига йўл олишди. Бу ерда директорнинг танишлари бор экан, иш хамирдан қил суғурган каби осон кўчди: тез ва кутилганидан ҳам қимматроққа пуллашди.

Мол-дунё, бойлик орттириш истаги кишини ҳар куйга йўрғалатар экан. Шу боисми, Одилжон Бозоров энди янаям кўпроқ пул топишни истаб қолди.

*(Давоми 3-бетда)*

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҚУРУЛТОЙДАН ҚУРУЛТОЙГАЧА

## *Бухоро*

## МЕҲНАТКАШ МАНФААТИНИ ҲИМОЯЛАШ

### фаолиятимиз асосини ташкил этади

*(Боши 1-бетда)*

Ҳукумат қарорлари ва «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқ мутасадди раҳбарлар олдига 252 та расмий талабномалар қўйилиб, 2 миллиард 898 миллион сўмлик иш ҳақи ундириб берилди. Қарздорлик 2,5 миллиард сўмга камайишига эришилди. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича корхона ва ташкилотларда 1440 дан ортиқ камчиликлар аниқланди. Бахтсиз ҳодиса туфайли ногирон бўлиб қолган фуқаролар ва боқувчисини йўқотган оилаларга 7 миллион сўмдан зиёд товон пуллари ундириб берилди.

«Бандлик-2004» дастури асосида меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси билан меҳнат ярмаркалари ташкил этилиб, 5836 нафар киши ишга жойлаштирилди. Умуман, вилоятда 30 мингга яқин янги иш ўринлари барпо этилди.

Маданият ва маърифатни юксалтириш, миллий истиқлол ғояларини оммага чуқурроқ сингдириш, хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини оширишга эътибор кучайтирилди. «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти «Маънавият маркази»да «Кутубхона ва клуб ишини ташкил қилиш» мавзусида вилоят семинари ўтказилиб, илғор тажрибалар оммалаштирилди. Кутубхоналарнинг китоб жамғармаси бойитилди. Тармоқ қўмита ва кенгашлари бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўртасида уюштирилган «Ўзбекистон – Ватаним маним» кўрик-танловлари юзлаб истеъдодли талантларни аниқлаш имкониятини берди.



«Мактаблар куни»нинг ўтказилиши ўқув-тарбия масканлари моддий базасини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама билимли ва етук ёшларни тарбиялашнинг самарали усули бўлиб қолди. Вилоят Кенгаши томонидан 14 нафар иқтидорли ўқувчиларнинг ҳар бирига 3,5 минг сўмлик «Ҳавас» стипендияси таъсис этилган.

Жисмоний тарбия, спортни оммалаштириш ва аҳоли соғлигини мустаҳкамлашда Жондор туманидаги «Шоҳназар», Қоракўлдаги «Зиёрат», Пешку туманидаги «Волейбол», Ғиждувондаги «Маҳорат», Вобкентдаги «Орзу», Олот туманидаги «Рустам» соғломлаштириш клубларининг ҳиссаси катта.

Касаба уюшмалари тасарруфидаги 400 га яқин спорт жамоаларида 11 мингдан зиёд йигит-қиз машғулот ўтказишаётир. Ҳар бир киши вақтида даволаниб, ҳордиқ чиқарса иши унумли ва баракали бўлади. Йил давомида 1110 нафар ходим санаторийларда, 2260 киши санаторий-профилакторийларда дам олиб, соғлигини тиклашди. 10 минг 472 нафар ходим ўғил-қизлари оромгоҳларда дам олдирилди.

Касаба уюшмалари фаолияти кенг қамровли. Шу боис амалга оширилган ишларимизнинг сарҳисоби ташкилотчилик услубини, оммавий ва ижтимоий шерикчилик фаолиятини янада такомиллаштириш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини собитқадамлик билан муҳофазалашни тақозо этади.

**Саида САЙФУЛЛАЕВА,**
**Бухоро вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси**

## ДАШТ БАҒРИДА ШАҲАРЧА

***Мустақиллик йилларида Қоровулбозордаги лойиҳа қиймати 550 миллион АҚШ доллари бўлган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга тушди. Чет эллик ҳамкорлар иштирокида бунёд этилган, энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонамизнинг мамлакат нефт мустақиллигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти беқиёс.***

1700 дан ортиқ аъзони бирлаштирган касаба уюшмаси меҳнаткашларнинг манфаатларини муҳофазалашда ижтимоий шерикчилик тамойилларига асосланиб иш юритмоқда. Хавфсиз ва қулай иш шароити яратиш, ходимларнинг иш ҳақини вақтида тўлаш, одамлар турмуш тарзи, соғлиғи ва дам олишини таъминлаш касабақўм фаолиятининг асосий йўналишига айланган.

Маъмурият билан тузилган жамоа шартномасида қўйилган вазифаларнинг ижро этилаётганлиги меҳнат унумдорлигини ошириб, жамоада соғлом маънавий вазиятни юзага келтирди. Белгиланган имтиёзларга мувофиқ ҳар бир ходим учун йилига 260-280 минг сўм маблағ сарфланаяпти. Техника хавфсизлиги тадбирлари учун ажратилган маблағ 110 миллион сўмга етди.

Корхона ҳудудида 500 ўринли тўртта ошхона, тиббий пункт, пластик карточкалар билан ишлайдиган савдо дўкони мавжуд. Аҳоли учун кўркам шаҳарча қурилган. Ҳозирга қадар ўндан ортиқ турар-жой корхона ҳисобидан таъмирлаб берилди. Шаҳарчада соғломлаштириш маркази, клуб, кутубхона, жарроҳлик бўлими, туғруқ мажмуаси ва бошқа маданий-маиший шохобчалар ишлаб турибди.

Мактаб ва болалар боғчасига ҳомийлик ёрдами кўрсатилаяпти. Илм масканига 10 та компьютер, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига дарсликлар олиб берилди. Ходимларнинг 750 нафар ўғил-қизлари оромгоҳларда имтиёзли йўлланмалар билан ҳордиқ чиқарган бўлишса, юзлаб ишчи-хизматчилар санаторий-профилакторийларда даволаниб келишди.

Айни чоғда Қоровулбозор даштларида қад кўтарган корхонамиз вилоятда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотини учдан бир қисмини етказиб бераяпти.

**Ҳошим ҚОСИМОВ,**
**корхона касаба уюшма қўмитаси раиси**



## ИҚТИДОРЛИЛАРНИ ШАРАФЛАБ

***«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни рўёбга чиқаришнинг иккинчи сифат босқичида белгиланган муҳим вазифалар қаторида педагог ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини, меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилиш катта аҳамият касб этади. Вилоят ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмитаси 35 та бошланғич ташкилот атрофига 3266 нафар ишчи-ходимларни ва 18292 нафар талабаларни бирлаштирган.***



Касаба уюшма ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига 2 миллион 370 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. Иқтидорли болаларнинг 10 нафарига тармоқ касаба уюшмаси, 12 нафарига олий ўқув юртлари, 23 нафарига касб-ҳунар коллежлари раҳбариятлари томонидан махсус стипендия тўланаяпти. Ўқув юртларида таълим олаётган 80 нафар ота-онасиз бола ётоқхона, кийим-кечак билан таъминланди.

Ҳозирда тизимда 196 та ёш мутахассислар, 228 нафар нафақа ёшидаги ўқитувчилар фаолият кўрсатиб келаяпти. Олиб борилаётган кенг қамровли ишлар туфайли ўқитувчи, муҳандис педагогларнинг изланувчанлик, фидойилик фазилатлари шаклланиб, ижодкорлик фаолияти ўсмоқда.

Америка Қўшма Штатларининг АКСЭЛС халқаро таълим ваколатхонаси томонидан ўтказилган танловда ғолиб чиққан Бухоро шаҳридаги академик-лицейнинг инглиз тили ўқитувчиси Г.Асадова компьютер тўплами ва ўқув адабиётлари билан тақдирланди. Яқинда у АҚШда малака ошириб келди. Бундай халқаро танловларда ўндан ортиқ талабалар ҳам фаол иштирок этдилар.

Бухоро Давлат университети, озиқ-овқат ва енгил саноати технологияси институтларида масофавий таълим тизими жорий этилган. Барча ўқув юртлари замонавий техника воситалари, ўқув жиҳозлари, компьютерлар билан таъминланган, Интернет тизими йўлга қўйилди. Маҳаллий бюджет ҳисобидан 103 миллион сўмлик дарслик ва адабиётлар олиниб, ўқув юртларига тарқатилди. Педагог ходимлар, талаба ва ўқувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси кучайтирилганлиги, меҳнат ва ўқиш шароитлари яхшиланганлиги таълим-тарбия савиясининг юксалишига имкон бермоқда.

**Ширинбой ОЛИМОВ,**
**вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси**

## СЕН ЁЛҒИЗ ЭМАССАН, ЖИГАРИМ!

Бухоро шаҳридаги 32-«Меҳрибонлик уйи» жамоаси тарбияланаётган болаларга ўз жигаргўшаларидек муносабатда бўлишади. Тарбия масканининг ишга тушганига кўп вақт бўлгани йўқ. Шундай бўлсада, ҳомийлар ёрдамида 300 миллион сўм маблағ ажратилиб, уч қаватли иморат сифатли таъмирланди, замонавий мебеллар билан жиҳозланди.

Турли миллатга мансуб 93 нафар ўғил-қиз яшаётган болалар уйида ҳамма қулайликлар муҳайё этилган. Юз ўринли ётоқхона, кутубхона, ошхона, тиббий пункт, спорт майдончаси мавжуд.

Тарбияланувчилар шаҳардаги 8-мактабда таълим олишади. Бундан ташқари бу ерда Бухоро Давлат университети профессор-ўқитувчилари математика ва инглиз тили фанларидан қўшимча машғулот олиб боришаяпти. Зардўзлик, бичиш-тикиш, рассомчилик ва спорт тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Тарбиячилардан Гулшан Вафоева, Дилдора Садирова, Матлуба Дониёрова, энагалар Мавлуда Ҳамроева, Розия Шарипова кабилар ёш авлоднинг ҳам ақлан, ҳам жисмонан етук кишилар бўлиб вояга етиши учун астойдил жон куйдирмоқдалар.

Орадан йиллар ўтади. Мустақил ҳаётга йўлланма олган йигит-қизлар гўдаклигидан ўз фарзандидек ардоқлаб ўстирган тарбиячилар қалбининг ҳароратини унутмайдилар.

**Саида ШАРИПОВА,**
**Бухоро шаҳридаги 32-«Меҳрибонлик уйи» директори**

## ВАТАН МУКОФОТИ

### янада самарали ишлашга ундади



Мамлакатимиз енгил саноатининг йирик корхоналаридан бири «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилаётган 12 мингга яқин ишчининг етмиш фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Жумладан, мен ҳам ўрта мактабни битириб, корхона тўқувчилари сафига қўшилдим. Ҳамкасбларимиз Тошбиби Саидова, Насиба Ҳамидова ва Рўзигул Саидовалар билан ҳамкорликда иккинчи йигирув фабрикасининг 1-цехида ишлаб келаяпман. Кичик жамоамиз раҳбари Раҳим Файзиевнинг талабчанлиги, амалий маслаҳат ва йўл-йўриқлари туфайли меҳнат самарадорлиги ошиб, режаларни доим уддалаб келаяпмиз.

Цехимиздаги замонавий дастгоҳларни кўп йиллик тажрибага эга малакали тўқувчилар бошқаришади. Ходимлар учун қулай шароитлар яратилган, иш жойлари тоза ва озода, техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси талабларига қатъий амал қилинади. Ўзим эса бир йўла 12 та тўқув дастгоҳини бошқариб, ҳар ойда 7,5-8 минг пагонометр сифатли мато ишлаб чиқараяпман. Маҳсулотларимизнинг асосий қисми хорижий мамлакатларга экспорт қилинаётганлиги бизни янада қувонтиради.

Юртбошимиз Фармонига асосан, мамлакатимиз Мустақиллигининг 13 йиллиги арафасида «Шуҳрат» медали билан тақдирландим. Юксак мукофот мени янада самарали меҳнат қилишга, тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга ундади.

**Гулсара РАЖАБОВА,**
**«Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти тўқувчиси, «Шуҳрат» медали соҳибаси**

## ГЎЗАЛЛИК МАЛИКАЛАРИ

***Бундан чорак аср муқаддам Бухоро шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бадиий гимнастика гуруҳи очилган эди. Ибратли ташаббус юзлаб ёшларнинг интилишларига қанот бағишлади. Шу боис спортнинг ушбу тури ҳозирда оммалашиб бораётир.***

Мана бир неча йилдирки, бадиий гимнастика бўйича республикада биринчиликни қўлдан бермай келаяпмиз. Вилоят раҳбариятининг амалий ёрдами билан халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган янги мажмуа қуриб, битказилди. Қисқа вақтда 23 нафар спорт устаси тайёрланди. Гимнастикачиларимиздан 29 нафари мамлакат терма жамоаси сафига қабул қилинди. Қадимий шаҳримизда «Тинчлик кабутари» халқаро турнири, Марказий Осиё давлатлари биринчилиги ўтказилди.



Ёшларнинг маҳорати ошиб бораяпти. Светлана Шаркаева илк бор спорт устаси деган шарафли номга сазовор бўлиб, бир неча марта республика чемпионлиги шоҳсупасига кўтарилди. Мамлакат терма жамоаси аъзоси Феруза Шарипова халқаро миқёсдаги спорт устаси. Шаҳар ва туманларда ҳам вилоят бадиий гимнастика федерациясининг бўлимлари ишлаб турибди. Минглаб ўсмир қизлар бадиий гимнастика тўгаракларинг машғулотларида қатнашмоқда.

Гимнастика спортнинг қизиқарли тури, у билан шуғулланувчиларни гўзаллик маликалари, дейишади. Жамоа аъзолари мамлакат ва халқаро мусобақаларда ғолибликни қўлдан бермаяптилар.

**Римма ХОХЛОВА,**
**жамоа устози, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт мураббийси**

## АЁЛ САЛОМАТ БЎЛСА

Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш мақсадида вилоятда «Аёллар соғломлаштириш маркази» ташкил этилган эди.

Қарорда биз тиббиёт ходимлари зиммасига ҳаётимизнинг гултожи ҳисобланган хотин-қизлар соғлигини асраш ва мустаҳкамлаш, соғлом авлодни шакллантириш вазифаси юклатилган. Шунинг учун тажрибали шифокор Гулсара Икромова раҳбарлик қилаётган 135 кишилик жамоамиз туғиш ёшидаги аёлларда учрайдиган касалликларни олдини олиш, аниқлаш ва даволаш борасида кенг кўламли ишларни амалга ошираяпти.



Шифохонамизда 3 та бўлим бўлиб, бу ерда малакали шифокор ва ҳамширалар меҳнат қилишади. Шифохона замонавий тиббий ускуналар билан таъминланган. Бу ерда ҳар йили 3 мингга яқин аёл даволаниб, соғлигини тиклаяпти. Тажрибали шифокорлар Фотима Рашидова, Назира Пўлатова, Мамлакат Холиқова, Шоира Давронова, Муқаддас Аминова, Мавлуда Ўринова, Дилором Ҳамроева сингари ҳамширалар хизматидан беморлар мамнун. Мажмуада фаолият кўрсатаётган «Оналар мактаби» машғулотларида «Соғлом она – бола», «Камқонликнинг олдини олиш», «Қизларни турмушга тайёрлаш», «Шахсий гигиена» мавзусида суҳбатлар уюштирилаяпти.

Вилоятнинг шаҳар ва туманлари, олис қишлоқларида яшаётган аёллар, ўсмир қизлар ўртасида оила тиббий маданиятини шакллантириш бўйича суҳбатлар ўтказилаётганлиги оналик ва болаликни муҳофазалаш ишларини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатаяпти.

**Дилором МАВЛОНОВА,**
**«Аёллар саломатлик маркази» касаба уюшма қўмитаси раиси**

## ҚУЛАЙ ШАРОИТ

### юқори унумдорликни таъминлади

Юртбошимиз хўжалигимизда бўлиб, қишлоқ аҳли билан учрашганларида, аёллар учун қулай шароит яратиб бериш, соғлиги тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиш хусусида алоҳида тўхталган эдилар.

Хўжалик бошқаруви ва касаба уюшма қўмитаси хотин-қизлар турмуш тарзини яхшилаш, оила тиббий маданиятини оширишга қаратилган дастур ишлаб чиқди. Далада ишлаётганларнинг етмиш фоизини аёллар ташкил этишини ҳисобга олиб, асосий эътибор уларнинг яшаш ва ишлаш шароитларини яхшилашга қаратилган. Мавжуд 14 та дала шийпони ҳақиқий ҳордиқ масканига айлантирилди. Дала меҳнатчилари учун бепул тушлик ташкил этилди. Хотин-қизлар учун алоҳида дам олиш ва гигиена хоналари мавжуд. Ёш боласи бор аёлларга иш ҳақи сақланган ҳолда ҳафтасига бир кун дам олиш берилади.

Қишлоқ хонадонлари табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминланган. Учта қишлоқ врачлик пункти, маданият саройи, кутубхона ва бошқа маданий-маиший шохобчалар ишлаб турибди. 100 дан ортиқ кам таъминланган оилаларга 2,5 миллион сўм моддий ёрдам, 11 тонна буғдой ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тарқатилди. Пахта теримида ўрнак кўрсатган 500 нафар хотин-қизга қимматбаҳо совғалар ва пул мукофотлари берилди. Давлатга пилла, дон ва пахта сотиш шартнома режаларини ошириб бажаришда меҳнатда фидойи, оилада ғамхўр аёлларимизнинг муносиб ҳиссаси бор, албатта. Оила пудратимиз аъзолари эса пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 60 центнерга етказиб, туман бўйича энг юқори кўрсаткичга эришдилар.

**Фароғат БОЗОРОВА,**
**Вобкент туманидаги Инъом Наимов номли хўжалик оилавий пудратчиси**

## ЁШЛАР УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИ

***Вилоятимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилган. Унга қўл урган кишилар молиявий томондан доим қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Бу борада «Бухоро тадбиркори» кредит уюшмасининг хизматлари сезиларли бўлаётир. Чунки, уюшма қисқа муддатда ишбилармонларга 180 миллион сўмдан зиёд кредит ажратди.***

Жумладан, мен Бухоро шаҳрида «Ферузабону плюс» кичик корхонасини очиб, кийим-кечаклар тайёрлашни йўлга қўйдим. Бизнес режа тузиб, кредит уюшмасига мурожаат этдик. Ҳужжатларни пухта ўрганиб чиқиб, йиллик 7 фоизли 2 миллион сўм кредит беришди.

Молиявий кўмак натижасида ишларимиз юришиб кетди. Замонавий ускуналар ва керакли жиҳозлар сотиб олинди. Тикувчилик цехи фаолият кўрсата бошлагач, 30 нафар ёш иш ўрнига эга бўлди. Келажакда корхонамизни кенгайтириб, турли хилдаги халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштирганмиз.

**Раҳим НАБИЕВ,**
**тадбиркор**

*Фарзандларимиз ижодидан*

## ВАТАН

*Қуш ўз уясида кўрганин қилар,*
*Қушнинг орзусини осмонлар билар.*
*Шамоллар шиддатин туяётир тан,*
*Мен Сенинг жажжи бир қушчангман,*
*Ватан!*

*Сенда кўрганларим юрагимга жо,*
*Сендан олганларим ғурур ва дуо.*
*Мен азиз тупроқнинг бўйи ила маст,*
*Сен — онам, меҳрибон, мунис, муқаддас.*

*Ҳали кўп довондан ўтганча ошиб,*
*Фарзанд бўлгум, Ватан, Сенга муносиб.*

**Дилдора ХАЛИЛОВА,**
**Тошкентдаги 310-лицейнинг**
**10-синф ўқувчиси**



# ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

*Овчи ҳикоялари*

## ҚЎШНИСИГА ЁМОНЛИК СОҒИНМАДИ

Оналаридан ҳадеганда дарак бўлавермади. Эндигина уч ойга тўлаётган бўри болалари қияликлардан ўтиб аста-секин юқорига ўрмалай бошлашди. Пастда эса кенг яйловда юз чоғли қўйлар подаси ёйилиб юрарди.

Ҳаво тафти тобора кўтарилиб кун қизигандан қизир эди. Ёш йиртқичлар харсанг тошлар панасига ўтиб тинчгина ором ола бошлашди. Улар ҳали овнинг нималигини яхши билишмайди. Она бўрилар уларни саратон чиқмасдан ўзлари билан биргаликда олис сафарга олиб боришмайди.

Кун пешиндан оққанда бўри болалари ирғишлаб, сакраб қўйлар подаси яқинига қандай келиб қолишганини ҳам пайқамай қолишди. Чўпон итларининг беарволигидан фойдаланган ёш йиртқичлар қўйлар ортидаги нимжон тўқлига (бир яшар қўй) ҳамла қилишди. Қўй жонивор йиртқич болаларининг йирик панжаларидаги ўткир тирноқлари орасидан қочиб қутулолмади. Сойнинг этагидан чопқиллаб келаётган чўпоннинг жон-жаҳд билан қичқириғи эса фойда бермади. У бу ерга ҳаллослаб етиб келгунича ёш йиртқичлар ўлжаларини бўғизлаб жуфтакни ростлаб қолишди. Кейин нима бўлди дерсиз? Мол аччиғи - жон аччиғи экан. Дарғазаб чўпон ўйланиб ўтирмай жонсиз тўқлини Қорақуш тоғи тепалигидаги бўрилар ини яқинига элтиб қўйди.

Борлиққа тун қора пардасини ёйганида олис сафардан қайтган бўриларнинг қўй гавдасига кўзи тушди-ю, тинчи йўқолди. Ҳаммасидан ҳам она бўри безовталаниб сал бўлсин тин олмас ва болаларини яқинига йўлатмасди. Кейин асабий ириллаб жаҳл билан ёш жониворларни дуч келган томонга итқита бошлади. Жониворлар эса ғингшиб пана-панага бекинишди. Гавда яқинига ҳеч бири йўламасди.

Шу оқшом бўрилар бирдан яна ғойиб бўлишди. Йиртқичлар тоғу тошлар оша қамиш ва чакалакзорлар оралаб охири сой этагидаги қорайиб турган қўра яқинида тўхтадилар. Итларнинг ҳуриши эшитилди. Чўпонларнинг ишонган ити - Оқтой кўк ёлдор бўрини кўргач думини пути орасига қисганича орқага тисарилди. Қолганларининг ҳам овози ўчиб пана-панага кириб кетишди. Пайт топиб кўк ёлдор қўрадан семиз совлиқни ўмарганича бўйнининг жунидан маҳкам тишлаб думи билан қамчилай бошлади. Она бўри эса ўлжасининг сўл томонига ўтиб унга кўмаклашарди. Шундай қилиб улар қўрадан секин-аста узоқлаша бордилар. Қўй жонивор борган сари илдам силжир, йиртқичлардан қочиб қутилишнинг иложи йўқ эди.

Қалин қамиш ва чакалакзор ҳам ортда қолди. Йиртқичлар тобора тепаликка ўрмаларкан ўз йўлларини бу сафар чап томонга ўзгартиришди. Бироздан сўнг яқин атрофда ёйилиб юрган қўйлар подасига дуч келишди ва ўз ўлжаларини озод қилишди. Қўй жонивор жон-жаҳди билан ўзини сурув ичига урди. Унинг бўйнида жароҳат излари йўқ эди.

Тонг ёришиб келарди. Ҳолдан тойган бўрилар эса баланд харсанг тошлар оралиқлари томон ўрмалаганча кўздан ғойиб бўлдилар. Пастда - яйловда ҳар доимгидек қўйлар подаси тинчгина ёйилиб юрарди. Бўрилар энди уларга зимдан назар солишар экан, осойишта ором олишга киришди. Яна ҳам қизиғи, шу-шу, бўри болалари яқин атрофдаги қўйлар подасига йўламайдиган бўлдилар.

Бу воқеага ҳам анча бўлди. Бош чўпон теварак-атрофдаги таниш-билишларидан неча бор сўраб-суриштирмасин бегона ҳисори совлиқнинг қўйлар ичига қаердан келиб қўшилганини ҳалигача билолмай ҳайрон.

**Абдулла САИДОВ**

*Турмуш чорраҳаларида*

***Ўша кунги воқеани эсласа, Сабоҳатхон ҳали-ҳали хижолат тортади. Сўнг ўз-ўзини койийди: «Наҳот, мен қизимга яхши она бўлолмадим? Уни «болам, ёлғизим» деб эркалабману, катта ҳаётга тайёрлай билмабман. Мана ҳаммаси ошкор бўлди, қизим шўрликнинг ҳам ранги олиниб қолаяпти...» Хуллас, ўша куни Сабоҳат рўзғорхалтани олиб эндигина бозорга отланаётганди, ҳовлидаги телефон уч-тўрт қайта жиринглади. Аёл ортига қайтиб гўшакни кўтарди.***

## «БАХТЛИ БЎЛАСАН, ҚИЗИМ...»

– Сабоҳатхон, сизмисиз? Мени танимайсиз... Ҳақ, энди айтақолай, тўрт қиздан кейин туғилган ўғлим бор. Кеча эрталаб «Самандаржон, сени уйламоқчимиз, танлаганинг борми ё ўзимиз қиз қидираверайликми?» десам, «Гулнозаларникига боринг» деб сизнинг уй телефонингиз рақамини айтди. Кечқурун учрашсак. Нима дейсиз?

– Хўп, хўп, келинг, айланай. Гаплашайлик-чи...

Гўшакни жойига қўяркан, аёлнинг юраги увишиб кетди. Наҳот қизи бўй етиб, ўзга йигитга кўнгил беришгаям улгурибди?! У дарҳол қўлига супурги олиб ҳовли-жойларни тартибга келтирди, сув сепиб салқинлатди. Музлатгичда тайёр қийма бориди, «ишим осон кўчди» дея хамир ёйди, митти-митти чучваралар тугиб салқин жойга қўйди. Сўрига атлас кўрпачалар ёзди, хонтахта устидаги оқ дастурхонни янгилади. Ҳали қуёш ботмасданоқ дарвозани кимдир чертганини эшитди.

– Ҳозир! Мана бораяпман.

Икки аёл иликқина кўришишди, тезда апоқ-чапоқ бўлиб кетишди. Самандарнинг онаси – Гулсарахон ён-атрофнинг файзлилигини кўриб ичдан қувонди. «Қизи эпчилгина экан, ҳаммаёқни орасталаб қўйибди» дея ўйлади. Совчилар чой ичиб гурунглашиб ўтиришаркан, бир-бирига кўнгил ёрдилар.

– Раҳматли эрим илм кишиси эдилар. Эл-юртга танилиб энди гуркираган пайтларида юраклари ёмон бўлиб... Тўрт қизим оталари изидан боришди. Турли институтларда дарс беришади. Ўғлим Самандар ҳам опаларига эргашиб илмий иш қилмоқчи, кечагина домлаларидан мақтов эшитибди. «Аввал уйлантирай, кейин илмий ишингни давом эттираверасан» дедим. Ҳеч гапимни икки қилмай ўсган у. Дарров рози бўлди.

Аёлнинг сўзларидан Сабоҳатхон таъсирланиб кетди. «Қизим шундай зиёли оилага келин бўлса... Қандоқ яхши!» деб ўйлади-ю, кўнгли ёришди. Шу заҳоти эшик очилиб... Эгнида атлас кўйлак, қоп-қора сочлари елкасига ёйилиб тушган ёқимтойгина қиз кирди. Гулноза! У айвон томонга кўз ташлаб онаси билан суҳбатлашиб ўтирган аёлни кўрди. Синчиклаб тикилди. «Бу ўтган кунгиси эмас, бошқаси! Уф-ф, шу ҳар хил совчилардан безор бўлдим-да! Ахир менинг танлаганим бор, деб уларга айтолмасам...» Шу фикр хаёлидан ўтиши билан меҳмон аёлга чимирилиб бош ирғади-да уй томонга юрди.

Гулноза ичкарига киргач, бир зум ўйланиб қолди. Самандар билан кейинги учрашувлари, «мен институтда ишда қоладиган бўлдим, сиз ҳамшира бўлиб иш бошланг, сўнг тўй қиламиз» дегани ёдига тушди. У «Бизникига қачон совчи юборасиз?» деб Самандардан сўрамоқчи бўлдию, айтолмади, очиғи тортинди. Мана энди... Ҳар куни ҳар хил аёллар бу уй остонасидан кириб келишяпти. Айвон томондан ойиси уни чақириб қолгач, Гулнозанинг ҳуши ўзига келдию ирғиб ўрнидан турди.

– Ҳой, қизим, чой дамлаб кел! Ўзинг ҳам биз билан чой ичасан, келақол!

Она чаққонлик билан ўрнидан туриб қизининг қўлидан чойнакни олди, «меҳмон билан кўришмайсанми?» дегандек имо қилди. Гулноза истамайгина бегона аёлга елка тутди. «Ассалом» деб пичирлади. Сўнг тезгина ичкарига йўналди.

– Уялади-да...

Сабоҳат қизи кириб кетган уй томонга овоз берди:

– Гулноз, ошхонадаги қозонда сув қайнаб турибди, тугилган чучвараларни солиб ол, хўпми, болам. Ичкаридан «Ҳози-и-ир» деган ноз аралаш товуш эшитилди.

Бир пайт Гулноза шап-шуп юриб, ошхона томонга ўтди. Эгнида енгсиз халат, сочлари ёйиғлик эди. «Бўйлари самбитдай экан...» деб дили ёришиб кетди Гулсарахоннинг. Ахир унинг ўғли ёмон қизни танламагандир. Худди шу вақт ичкаридан қизнинг овози эшитилди:

– Ойи, чучвараларнинг пишганини қандай билса бўлади?!

Сабоҳат меҳмонга бир қараб олди-да, қизини эркалатгандек қилиб гапирди:

– Чучваралар сувда дикир-дикир ўйнайди, сўнг хориб-чарчаб жим бўлиб қолади, ана шу пишгани бўлади, тушундингизми қизпошша!?

– Ҳм, тушундим шекилли...

Орадан озгина фурсат ўтдими, ошхона эшигида Гулноза кўринди. Терлаб қизариб кетганди. Қўлида човли.

– Ойи! Чучвараларингизнинг сувга чўкканиниям, чўкмаганиниям билолмадим. Қозонга ўзингиз қаранг, менинг дарсим кўп!

– Ҳаҳ, болага иш буюр, ортидан ўзинг югур экан-да! Мен ҳозир...

Сабоҳатхон ошхонага кириб кетди. Бирпасда чучвараларни лаганга сузиб келди. Юзига қаймоқ қўйиб, ейишга қистади. Икки аёл жимгина овқатланишди. Таом жуда хушхўр, Сабоҳатнинг очиқ-сочиқлиги ҳам Гулсарага маъқул бўлган, бироқ... Унинг негадир кўнгли ғаш эди. Сабоҳат бўшаган лагану тарелкаларни йиғиштириб, ошхонага кириб кетгач, у узоқ ўйланиб қолди. Тавба, қиз билан онаси бири ошхонада, бири супада қаттиқ-қаттиқ сўзлашишса? Бу қанақаси! Ахир меҳмон ўтирганда шундоқ қилиш... Қизи ҳам анчагина эрка экан, онасининг юмушини енгиллатиш ўрнига унга жаҳл қилиб «овқатингизга қаранг!» деса... Бу не ҳол? Гулсарахон шунисига ҳайрон эди. Ахир уларникида тўрт қиз вояга етди. Ҳовлидан бирор марта қаттиқ товуш эшитилмади. Самандари эса... «Ойижон, ойижон» деб кўнглига қарайди. Маслаҳат берса, дарров қулоғига илади. Эрталаб эшикдан чиқаётиб, «дуо қилинг» дея ёнига чўкка тушади. Буларникида аҳвол тамоман бошқача экан-а...

Вақт алламаҳал бўлганида иккала аёл қуюқ хайрлашишди. «Сиз менга ёқиб қолдингиз, Сабоҳатхон, насиб бўлса яна кўришамиз» деди Гулсара эшикдан чиқаётиб. Лекин, орадан бир неча кунлар... ҳатто бир неча ойлар ўтди ҳамки, у томондан ҳеч бир ҳаракат бўлмади. Самандар эса Гулнозадан ўзини олиб қочадиган бўлиб қолди. Бу ҳолатнинг сабабини тушунолмай юрган қизни бир куни она саволга тутди:

– Қизим, Самандар деган йигит билан аҳдлашган эмишсан, ростми?!

Гулноза қизаринқираб деди: – Сиз буни қаёқдан эшитдингиз?

– Менга шипшитиб ҳам қўймабсан. Ойиси келганди. Энди негадир жимжит.

– Қачон келганди? – ҳайрон бўлиб сўради қиз.

– Икки ойча бўлди. Чучвара пиширган кунимиз эсингдами?

Гулноза ҳаммасини тушунди. Демак... Ўшанда у бегона совчи деб ўйлагани – Самандарнинг ойиси экан-да! Нега бу ҳақда ўша куни билмади? Шунинг учун Самандар у билан учрашмаётган экан, энди билса... Ахир у шу йигитсиз яшолмайди. Йўқ, яшолмайди!

Қизнинг кўзларига ёш тўлди. Онасига мўлтираб боқди. Онага эса энди барчаси аён бўлаётганди. Тўғри-да, агар у Гулсарахоннинг ўрнида бўлганида ўша кунги ҳолатни кўриб... қизни келин қилавермармиди? Албатта йўқ! Ўзиям қизини нуқул эркалатиб, ошхона ишига нўноқ қилиб ўстирибди-да! «Сен уриниб қоласан, ўзим қиламан» деб фақат қизини аярди у. Ҳа, у қизини аяб-аяб сирқаси сув кўтармайдиган қилиб қўйди. На муомалани билади, на пазандаликни... «Бунга ким айбдор? Албатта мен!» деб ўйлади Сабоҳат. Мана қизи бир ҳолатда, паришон...

– Сенга олтин тахт тилабману тўкис бахт тиламаган эканман-да, - дея ўз-ўзига пичирлади аёл. Оғир «уҳ» тортди. Балки... Балки, ҳалиям кеч эмасдир?! Қизи ўқишини тамомлаб бирор жойда иш бошлагунича унга рўзғор юритишнинг ипидан игнасигача ўргатса бўлади-ку! Шунда қизи ўша билимдон, зукко йигит – Самандар билан қайта топишиб кетар. Кошкийди шундай бўлса...

Она қизининг ўша йигит билан қайта топишиб кетиши учун ҳар нарсага тайёр сезарди ўзини.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА**

*Эшитдингизми, ўқидингизми?*

## ОЛДИНДА МАСЪУЛИЯТЛИ ЎЙИНЛАР

Якунланаётган мавсум миллий терма жамоамиз учун бирмунча омадли келди. Футболчиларимиз аввалига Хитой ўйингоҳларида бўлиб ўтган қитъа чемпионатининг чорак финал баҳсида илк бор тўп суришди. Кейинчалик жаҳон чемпионати саралаш ўйинлари (Германия-2006)нинг биринчи босқичида кўнгилдагидек иштирок этишди. Ироқ терма жамоаси мағлуб этилиб, кейинги босқич масаласи муддатидан олдин ҳал қилинди. Энди терма жамоамизни олдинда бундан-да масъулиятли ўйинлар кутиб турибди. Вакилларимиз қитъанинг Япония, Жанубий Корея, Саудия Арабистони, Эрон каби кучли терма жамоалари билан ЖЧ-2006 йўлланмалари учун кураш олиб боришади.

Шу йилнинг 9 декабр куни Куала-Лумпур шаҳрида жаҳон чемпионати саралаш баҳсларининг иккинчи босқичига қуръа ташланади. Биринчи босқич ғолиблари - 8 та миллий терма жамоа тўрттадан иккита гуруҳга ажратилади. Гуруҳларда дастлабки икки ўринни эгаллаган тўртта жамоа мундиал йўлланмасини қўлга киритади. Учинчи ўринни эгаллаган жамоалар эса ўзаро баҳслашиб, ғолибни аниқлайди ва ғолиб жамоа КОНКАКАФ минтақаси вакили билан «плей-офф»да учрашади. Ҳозирча иккинчи босқич жамоаларининг ўйин муддатлари аниқ. Бунга кўра, янги йилнинг 9 февралида дастлабки тур учрашувлари ўтказилади. Қолган ўйинларнинг ўтказилиш муддати эса қуйидагича: 2-тур - 26 март, 3-тур - 4 июн, 4-тур - 11 июл, 5-тур - 17 август, 6-тур - 9 ва 30 ноябр кунлари, «плей-офф» эса 7 декабр.

Эслатиб ўтамиз, терма жамоаларнинг қайси турда ўз майдонида, қайси турда рақиб майдонида тўп суриши ҳозирча ноаниқ.

## «НЕФТЧИ» АНТАЛИЯГА БОРАДИ

Келаси йилнинг январ ойида Туркиянинг Анталия шаҳрида футбол бўйича «Turk-Кар» халқаро турнири бўлиб ўтади. Унда Туркия чемпионатининг икки пешқадам жамоаси, шунингдек Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон ҳамда Ўзбекистон чемпионлари қатнашиши мўлжалланган.

Мусобақанинг жамоалар учун қулай жиҳати шундаки, барча харажатлар, ҳаттоки турнирга бориб-келиш сарфларини ҳам ташкилотчилар ўз зиммасига олишган. Лекин бу йилги чемпионатда ғолиб чиқиши кутилаётган «Пахтакор» турнирга бормаслиги мумкин. Негаки, жамоа МДҲ чемпионлари кубоги баҳсларига пухта тайёргарлик кўриш мақсадида Бирлашган Араб Амирликларига сафар этмоқчи. Тошкентликларнинг ўрнига «Нефтчи» жамоаси қатнашиши кутилмоқда.



А.ҲАКИМОВ чизган сурат

## ЯНГИ МАРКАЛАР МУОМАЛАДА





«Ўзбекистон маркаси» акциядорлик жамияти республикамизда етиштириладиган узум навлари ҳамда қадимий зардўзлик санъати намуналаридан - туморлар тасвири туширилган почта маркаларини нашр этди. Маркалар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан муомалага чиқарилди.

Академик Р.Шредер номидаги мевачилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти ҳамда уста заргарлар билан ҳамкорликда ишланган маркалар филателистларда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.





**(ЎзА)**



## ҒАЛАТИ АСБОБ

Америкалик фермерлар мевазорлардаги зараркунанда ҳашоратларни йўқотиш учун ғалати асбобга эга бўлдилар.

Бу тракторга монтаж қилинган каттакон чанг юткичнинг тўртта «оғзи» бор. Улар бир йўла дарахтзорнинг тўрт қаторидаги ҳашоратларни ичига ютиб туради.

Ўсимлик баргидаги ҳашорат соатига эллик километр тезликда кучли ҳаво оқими билан машинанинг вентилятори ичига кириб ўлади.

**А.АЛИЕВ**

*Турфа олам*

Оғирлик ўлчов бирлигини белгилашда ва уни қабул этишда дон экинлари ва меваларнинг данакларидан фойдаланилган. Масалан, шарқда кенг тарқалган ва энг кичик оғирлик ўлчови мисқол бўлиб, 20 қиротга тенгдир.

Ҳар бир қирот 5 дона арпа донининг оғирлигига баравар бўлган. Демак, бир мисқол 100 дона арпага тенгдир.

## ҚАДИМГИ ОҒИРЛИК ЎЛЧОВЛАРИ

Пул сўқишда дон ва мева данакларининг оғирлигидан фойдаланилган. Масалан, бир дерҳам (кумуш танга) уч ярим дона мошнинг оғирлигига тенг бўлган. Бир дерҳам олтита данак оғирлигига тенг. Агар бир мисқолни 100 дона арпа донига тенг деб олсак, у вақтда бир дерҳам ярим мисқол оғирликда сўқилган.

Бинобарин, Ўрта Осиёда қадимда кенг тарқалган оғирлик ўлчовларидан энг кичиги ва енгили «мисқол», энг каттаси эса «ботмон» ёки «ман» бўлган.

**Тузувчи: Ф.ОРИПОВ**

## ИТАЛЬЯНЧА КРОССВОРД

МУАММОНОМА

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 5 | 1 | 2 | 8 | 2 | 9 | - |
| 7 | 6 | 5 | | | | |
| 5 | 1 | 8 | 8 | 1 | | |
| 3 | 1 | 4 | 7 | 1 | 8 | . |

| | 1. Манзарали ўсимлик, гул. | 2. Вилоят марказидан. 3. Сайёра. | 4. Осиёдаги давлат. 5. Ошиқ томони. | 6. Пойга спорти. | 7. Дарахт. 8. Чавандозлик спорти. | 9. Жавоҳир. 10. Мебель. | 11. Тик, тўғри. 12. Савдо маскани. | 13. Эркак исми. 14. Рақамли ўйин. | 15. Онанинг онаси. 16. Мақом. | 17. Озуқа. 18. Ялта маскани. | 20. Америка физиги. 20. Само. | 21. Ўювчи модда. | 22. Немис адиби. 23. Сарой. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Ўрта аср тарихчиси, Бобурнинг қизи. | | | | | 1 | | | | | | | | 2 |
| 2. Радиоактив модда. 3. Маъдан. 4. Ҳиндча исм. | | | | | | | 3 | | | | | | |
| 5. Футбол атамаси. 6. Осиё ғарбидаги давлат. | | | | | | | | | 4 | | | | |
| 7. Қишлоқ хўжалиги анжоми. 8. Узунлик ўлчови. | | | | | | | | | | 5 | | | |
| 9. Хўл мева. 10. Муолажа. 11. Жуфт рақам. | | | | | | | | | | | 6 | | |
| 12. Мурод Муҳаммад Дўст романи. 13. Муталл. | | | 7 | | | | | | | | | | |
| 14. Нота. 15. Асл. 16. Узум нави. | | | | | | | | 8 | | | | | |
| 17. Ширинлик. 18. Катта варрак. 19. Адирлик. | | 9 | | | | | | | | | | | |

## ВУЛҚОН ОҒЗИДАГИ КЕМА

Оксфорд университетининг археологлари шимолий Сицилияда сув остидаги вулқон оғзидан қадимги грек кемасининг қолдиғини топишди. Мутахассисларнинг фикрича, у икки минг тўрт юз йил бурун чўкиб кетган экан.

Кемада пиёлалар, кўзача ва бошқа хил идиш-товоқлар, ўттиз метр чуқурликдаги денгиз тубида узоқ вақт ўтганлигига қарамасдан яхши сақланган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари ўқув маркази бош ҳисобчи Лиля Берберовага отаси **АБДУЛЛА ака**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади

## НИМ ТАБАССУМ

Ўқитувчи: Нега сочингни уйда тараб келмадинг?
Ўқувчи: Уйда тароқ йўқ.
Ўқитувчи: Отангнинг тароғини олиб турмадингми?
Ўқувчи: Отамнинг сочи йўқ.

* * *

– Мен ўқиган вақтимда тарихдан доим «5» олардим. Сен «4» оляпсан. Дангаса экансан-да...
– Йўқ, бобожон, сизнинг вақтингизда тарих анча қисқа эдида...

* * *

Физика ўқитувчиси:
– Фараз қиламиз – электр лампасини ёндирмоқчи бўлдик, лекин у ёнмади. Хўш, сабаби нима бўлиши мумкин?
Ўқувчи:
– Электр ҳақини тўламаган бўлсангиз керак-да...

* * *

Бир куни боласидан аччиғланган она унга деди:
– Тошмат, сен дунёдаги ҳамма болаларнинг энг ёмони бўласан.
– Ойижон, наҳотки сиз уларнинг ҳаммасини танисангиз?

* * *

– Болалар, – деб синфга мурожаат қилди ўқитувчи. – Бугун кечқурун ой тутилади. Бу жуда ноёб ҳодиса. Ҳамманглар уни томоша қилинглар. Эсларингда бўлсин, йигирма-ю ўн бешда бошланади.
– Қайси программада – биринчими, иккинчидами? – деб сўрашди ўқувчилар.

* * *

Бола қўшнисига деди:
– Ойим айтдилар, ўн икки дона тухум қарз бериб турар экансиз. Тухумларни товуққа бостирар эканмиз.
– Билишимча, сизларда товуқ йўқ-ку?
– Бундан ташвишланманг. Акам нариги қўшниникига товуқ сўрагани кетган.

* * *

– Ўғлим, синфингда сендан яхшироқ бола борми?
– Ҳа, дадажон, – деди ўғил хўрсиниб, – бир бола бор, роса қулоғини қимирлатади. Ҳеч ким унчалик қилолмайди.

* * *

– Дадажон, нима учун куёв билан келин никоҳ вақтида бир-бирларининг қўлини ушлаб туришади?
– Одат шунақа, ўғлим. Боксчилар ҳам жанг олдидан бир-бирларига қўл беришади-ку!

* * *

– Ойижон, юз сўм беринг,
– Нима қиласан юз сўмни?
– Муюлишда бир бечора одам бор, доим бақиргани, бақирган. Ўшанга бераман.
Она ўғлининг меҳрибонлигидан мамнун бўлиб, унга пул берди-да, сўради:
– Нима деб бақиради у одам?
– «Келиб қолинг музқаймоққа» деб бақиради.


ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.20

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 8471 Буюртма Г— 116 23456